

Рўзага оид савол - жавоб



19:24 / 09.05.2020 2213

Савол: рўзанинг каффорати қандай адо этилади?

Жавоб: 1) бир қул озод қилиш; 2) қулга имконияти бўлмаса, кетма-кет икки ой рўза тутиш (алоҳида бир кун қазоси ҳам тутилади); 3) бунга ҳам имконияти бўлмаса, олтмиш кишини эрталаб ва кечқурун таомлантириш;

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Бир одам Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб, «Ҳалок бўлдим, эй Аллоҳнинг Расули!» деди. «**Сени нима ҳалок қилди?**» дедилар. «Рамазонда хотинига яқинлик қилиб чиқиб қўйдим», деди. «**Озод қилишга қул топа оласанми?**» дедилар. «Йўқ», деди. «**Икки ой кетма-кет рўза тута оласанми?**» дедилар. «Йўқ», деди. «**Олтмиш мискинга таом беришга нарса топа оласанми?**» дедилар. «Йўқ», деди. Сўнгра

кутиб ўтирди. Шу пайт Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга бир замбил хурмо келтирилди. У зот (ҳалиги одамга) «**Мана буни садақа қилиб юбор**», дедилар. «Эй Аллоҳнинг Расули, ўзимдан ҳам фақирроққами? Аллоҳга қасамки, унинг (Мадинанинг) икки чети орасида биздан кўра муҳтожроқ хонадон йўқ», деди. Шунда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам кулиб юбордилар, ҳатто тишларининг оқи кўриниб кетди. Сўнгра: «**Бор, уни аҳлингга таом қилиб бер**», дедилар».

Муслим ривоят қилган.

Савол: зиммасига каффорат лозим бўлган киши икки ой кетма-кет рўза тутмай, олтмишта мискинни таомлантирса ҳам бўладими?

Жавоб: рўза тутишга қодир бўлатуриб таомлантириш билан каффорат адо бўлмайди. Каффоратни адо қилиш учун аввало бир қул озод қилиш керак. Бунга имкони бўлмаса, икки ой кетма-кет рўза тутиши керак. Бунга ҳам қодир бўлмаса олтмишта мискинни таомлантириши керак.

Савол: Рамазоннинг қазоси ва каффоратини тутаётган киши субҳи содиққача ният қилишга улгурмаса нима қилади?

Жавоб: Рамазоннинг қазоси ва каффоратини тутаётган киши субҳи содиқ кирмасидан аввал рўза тутишни ният қилиши шарт. Агар субҳи содиқдан кейин ният қилса, нияти эътиборли бўлмайди. Шунинг учун саҳарликка тура олмай қолишидан қўрққан киши қуёш ботганидан кейин «Эртанги куннинг қазо ва каффоратини тутишни ният қилдим», деса кифоя. «Эртага рўза тутаман, иншааллоҳ», деса нияти дуруст бўлади.

Савол: икки ой каффорат рўзасини тутаётган киши ўртада бемор бўлиб қолса нима қилади?

Жавоб: беморлиги туфайли каффорат рўзани охиригача тута олмай қолган киши соғайиб кетгач, бошидан бошлаб икки ой рўза тутади. Каффорат рўзасини тутаётган эркак ёки аёл қайсидир узр туфайли икки ой ичида бирор кун рўзасини очиб юборса, яна қайтадан бошлайди. Лекин аёлнинг ҳайз кўриши бундан мустаснодир. Нифос эса мустасно эмас.

«Мўминнинг қалқони» китобидан